O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI
INV.№

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 5-aprel, chorshanba, 14 (344)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

САХИФАЛАРНИ ВАРАКЛАГАНДА

ТАБИАТ ШАЙДОЛАРИ

Эшигимиз тагигача тамаки, пахта экиладиган замонларда бундай ишга қўл уриш ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмас эди.

3-бет

БУЮКЛАРНИНГ БАХТСИЗЛИГИ

Лев Толстой: *«Борди-ю, одам олдида черков динини ё Муҳаммад (с.а.в) динини танлаш масаласи кўндаланг бўлса, ҳар қандай онгли одам иккиланиб ўтирмайди ва ислом динини танлайди. Бошқача бўлиши мумкин эмас».*

4-бет

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Душанба куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни фракция раҳбари Хуршид Дўстмуҳамедов олиб борди.

Йиғилишда фракция аъзолари дастлаб «Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодексининг 19-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси (иккинчи ўқиш)ни муҳокама қилишди.

Йиғилиш иштирокчилари «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 8, 71-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси (икинчи ўқиш) хусусида таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси (биринчи ўқиш) ҳақида сўзга чиқди.

— Мамлакатимизда Солиқ маслаҳати институти жорий қилинаётгани халқаро андозаларга мос келади, — дейди А.Тўхтабоев. — Ҳозирда Германияда 70 мингдан ортиқ, Россияда эса 3 мингдан ортиқ солиқ маслаҳатчиси фаолият кўрсатаётир. Мамлакатимизда 350 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари иш юритаётган бўлса, уларда солиқ соҳаси бўйича маслаҳатга эҳтиёж туғилиши табиий.

Шундан сўнг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда Ўзбекистон республикасининг Уй-жой кодексига қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси (биринчи ўқиш) бўйича йиғилганлар фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Фракция йиғилишида партия ҳаётига оид бир қанча масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

Ўзбекистон Миллий университетида **ЎзМТДП Марказий кенгаши** аъзоларининг талаба ёшлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг **Тошкент вилояти Бўка туман кенгаши** ташаббуси билан ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари билан ҳамкорликда «Хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида **Тошкент шаҳар ва Наманган вилоят кенгашларида** фаоллар йиғилиши ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Қашқадарё вилояти партия фаоллари ва маҳаллий кенгаш депутатлари иштирокида партиянинг вилоят кенгаши томонидан ўқув-семинари ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани кенгаши томонидан тумандаги 23-мактабда «Энг ажойиб кун» деб номланган тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Хоразм вилояти Шовот тумани кенгаши пленуми бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Андижон вилояти Андижон шаҳар кенгаши ДАН ходимлари билан ҳамкорликда Андижон шаҳридаги болалар боғида «Яшил чироқ» республика кўрик-танловининг вилоят босқичини ўтказди.

* * *

Партиянинг Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туман кенгаши туман «Маънавият ва маърифат» бўлими билан ҳамкорликда «Шеърият, маънавият ва бурч» мавзуида давра суҳбати ўтказди.

* * *

ЎзМТДП Тошкент вилояти Чиноз туман кенгаши тиббиёт ходимлари иштирокида «Сил касаллигини даволаш мумкин» мавзуида семинар йиғилиш ўтказди.

* * *

Партиянинг Жиззах вилоят Мирзачўл туман кенгаши томонидан Мирзачўл Маданият саройида «Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларининг янги босқичи» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Сурхондарё вилояти Денов тумани партия кенгаши ташаббуси билан Денов педагогика коллежида «Халқ соғлиги — юрт бойлиги» мавзуида тадбир ўтказилди.

Ўз мухбиримиз



Баҳорнинг келиши бошқа соҳа кишиларидан кўра кўпроқ бободеҳқонлар, қишлоқ хўжалиги заҳматкашларидан катта куч-ғайрат талаб қилади. Айнан шу фаслда тупроққа барака уруғи қадалиб, экинларни дастлабки парваришлаш ишлари бошланади. Меҳнат унумдорлигининг қандай бўлиши, экин майдонининг бир йиллик тақдири ҳам мана шу биринчи қадамнинг қандай қўйилишига боғлиқ.

— Кўкламнинг ҳар бир куни ғанимат. Бугун мўл ҳосилдан умиди бор деҳқоннинг ўрни далада, — дейди қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп йиллардан буён ишлаб, тажриба орттирган наманганлик Алғр Арслонов.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

ДАВРНИНГ ДОЛЗАРБ МАВЗУСИ

Техника тараққиёти шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда ахборот хуружи деган ибора пайдо бўлди. Айниқса, Андижонда бўлиб ўтган мудҳиш воқеалардан сўнг айрим хориж оммавий ахборот воситаларининг нохолис ахборотлар тарқатишлари бизни бу соҳага яна ҳам зийрак ва ҳушёр бўлишга ундади. Жамиятимизда ахборот тарқатиш ва уни олиш масалаларига эътибор муҳим ўрин тутади, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси "Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси" Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда «Эркинлашаётган жамиятда ахборот ва мафкура масалалари» мавзуига бағишланган илмий-амалий семинар ўтказди. Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, сенаторлар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, талаба ёшлар иштирок этдилар.

Семинарни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори вазифасини бажарувчи Голибжон Абдукаримов олиб борди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳамедов жамиятимизда ахборотлаштириш борасидаги ислоҳотлар, миллий мафкура ва менталитет, ахборот таҳдиди шароитида жамият хавфсизлигини таъминлаш, ахборот тарқатишдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида гапирди.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Ахборот олиш принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонун билан барчангиз яхши танишсиз. — деди маърузачи Х.Дўстмуҳамедов.— Ана шу қонунда муҳим учта муаммо тилга олинган. Улар шахснинг ахборот хавфсизлиги, жамиятнинг ахборот хавфсизлиги ва давлатнинг ахборот хавфсизлигидир. Фуқаролик жамиятида, демократлашаётган жамиятда ана шу учта тушунча муҳим аҳамият касб этади. Ахборот таҳдиди гўёки снарядга ўхшайди. Унинг зарбалари одамлар руҳиятини ўзгартиришга хизмат қилади.

Бугун дунёда ахборот манфаатлар оқими эканлиги яққол кўриниб турибди. Ахборот таҳдидининг йўналишлари жуда кўп бўлиб, энг ёмони, ёшлар онгига таъсир ўтказиш, уларни тўғри йўлдан чалғитиш. Эркинлик, демократия нақадар яхши. Лекин унинг ёнида масъулият деган тушунча ҳам бор. Ҳар қандай нохолис ахборот хуружлари замирида рангли инқилоблар, намойишлар ва шулар туфайли кимдир моддий манфаат топаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Семинарда ахборот оқимининг фуқаро шахсий позициясига таъсири муаммолари, ахборот майдонидаги етакчилик учун кураш, жамиятни эркинлаштириш шароитида ахборот оқимининг таъсири, ахборот таҳдиди шароитида журналистлар фаоллиги муаммолари мавзуларида етук мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари Қодир Жўраев, сиёсатшунос Саидхон Саидалимов, «Сиёсат» ахборот таҳлил маркази раҳбари Ғафур Жамоловлар сўзга чиқишди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Қаҳрамон Қуронбоев «Ёшлар онги ва маънавиятининг шаклланишида ахборот оқимининг таъсири» мавзуида маруза қилди.

Семинар қизғин савол-жавоблар ва мунозара-муҳокамалар билан ўтди. Эркинлашаётган жамиятни ахборот очиқлиги, ахборот бозоридаги рақобатлар, шу билан бирга дунёда ахборот ҳуружлари кескинлашган шароитда миллий қадриятлар ва ўзлигимизни сақлаш, муносабатлар билдириш ҳамда мафкуравий иммунитетни шакллантириш хусусида фикрлар билдирилди.

Ўз мухбиримиз

ДЕПУТАТЛИК — ОЛИЙ МАСЪУЛИЯТ

Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа бўлган парламент сайловлари арафасида барчамизда, аввало, депутат аслида қандай киши бўлиши керак, деган савол туғилганлиги табиий. Зеро, жамиятда депутатнинг тутган ўрни ҳозирги замон шароитида бениҳоя муҳимдир.

Ҳақиқий депутат бўламан, деган инсон биринчи навбатда одамларнинг кўнглига йўл топиб, уларни эзгуликка, бунёдкорликка даъват қилади ва шу асосда ўзи ҳам улар юрагидан жой олади.

Мана шундай элдошлари қалбига йўл топа олган инсонлардан бири Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах туман кенгашидан Халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган Ўрол Сатторовдир. Ўрол ака қаерда ишламасин доимо ўзининг ҳақгўйлиги, софдиллиги, одамларга меҳрибонлиги билан ўз ўрнига эга бўлиб келган. У депутатлик фаолияти давомида ҳам вакиллик масъулиятини тўла ҳис этиб, аҳолининг бир қатор муаммо ва камчиликларини ҳал қилишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, Ўрол Сатторов ўзи туғилиб ўсган Жиззах туманидаги Ёйилма қишлоғида бир қанча ижобий ишларни амалга оширди.

Бу қишлоқ аҳолисини бир неча йиллардан буён газ муаммоси қийнаб келарди. Бевосита Ўрол аканинг саъй-ҳаракатлари билан 800 метрдан ортиқ газ қувури қишлоққа келтирилиб, табиий газ муаммоси ҳал қилинди. Қишлоқ четидаги кўп йиллардан буён чиқинди ташланиб келинган, қишлоқ аҳолиси соғлигига ёмон таъсир кўрсатаётган ахлатхона ўрнидан деҳқончилик мақсадларида фойдаланиш ва бу жойнинг шинам ўйингоҳга айлантирилишида ҳам Ўрол аканинг хизматлари беқиёс. Ҳ.Сатторов Ёйилма қишлоғига олиб борадиган ўнқир-чўнқир йўлни таъмирлашга ўз ҳисобидан кўмаклашди. Натижада транспортларнинг юриши қийин бўлган бу кўча текис ва равон йўлга айланди.



Ўрол ака нафақат депутат сифатида, балки илғор фермер, тадбиркор сифатида ҳам аҳолининг кам таъминланган, муҳтож қатламларига қўлидан келганча ёрдам бериб келмоқда. Ўз маҳалласидаги кам таъминланган тўрт оилага 1 тонна буғдой ажратди. Қишлоқ врачлик пунктига ўз ҳисобидан замонавий тиббий ускуналар келтиришга маблағ ажратди. Шунингдек, Ҳ.Сатторов "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан фермерлар ўртасида қишлоқ мактабида "Энг аълочи ўқувчи" стипендиясини ташкиллаш, мактабга ҳомийлик қилиш ташаббусларини кўтариб чиқди.

Юртимиз саховатли, мурувватпеша инсонларга бой. Биз Ўрол аканинг эзгу ишлари билан танишар эканмиз, бундай бағрикенг, ўз юртдошларига меҳр-оқибатли инсонлар янада кўпайишини чин дилдан истадик.

Ҳошим ХИДИРОВ,
ЎзМТДП Жиззах туман кенгаши раиси

САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламентига мувофиқ депутатларнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Бундай мулоқотлар депутатларнинг халқнинг ўй-фикрлари, интилишу қизиқишлари билан танишишида, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Хонқа сайлов округидан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзоси Раъножон Зарипова билан бўлиб ўтган учрашувни туман ҳокими Шоҳназар Болтаев очиб берди. Сўз навбати аввало Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси, депутат Р. Зариповага берилди. Депутат сайловчиларга «Ҳомийлар ва шифокорлар йили дастури»да белгиланган режалар, Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим, устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида гапирди.

Сўнгра Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир йиллик фаолияти, қонун ижодкорлиги жараёни билан таништирди. Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, жумладан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг фаолияти ҳақида алоҳида тўхталди. Шунингдек, Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил комиссия иш олиб борганлигини гапириб ўтди. Матбуотда эълон қилинган мақолалар ва Тожикистон алюминий заводи салбий таъсир кўрсатадиган минтақада яшовчи Сурхондарё аҳолисининг мурожаатлари муносабати билан махсус комиссия тузилиб, мазкур ҳолатни ўрганиш билан шуғулланаётганини таъкидлади.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган қонун лойиҳалари устида ишлаш ва уларни қабул қилиш қуйи палатанинг бош вазифаси бўлиб, парламент фаолиятининг асосини ташкил этади. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш, қабул қилиш ҳар жиҳатдан ўзига хос мураккаб жараён эканлигини алоҳида таъкидлаб, «Истеъмол кредити», «Микрокредит ва микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги, «Ҳакамлар судлари тўғрисида»ги, «Ипотека тўғрисида»ги қонунларнинг мазмун-моҳияти билан таништирди. Умуман, Қонунчилик палатаси ишининг 2005 йилдаги натижаси 27 та қонун лойиҳасини тайёрлаб, Сенатга юборгани бўлди. Айни кунларда Қонунчилик палатасидаги мавжуд ўнта қўмитада муҳокама этилиши керак бўлган қирқдан ортиқ қонун лўйиҳалари бор, улар депутатлар муҳокамасига олиб чиқишга тайёрланаётганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Ана шундай учрашувлар Хоразм вилоят ички ишлар бошқармасида, Урганч тумани ҳокимиятида, коллеж, мактаб, хотин-қизлар қўмиталарида ҳам бўлиб ўтди.

Дилбар БЕКЖОНОВА,
ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

КИМ НИМА ДЕДИ?

Ота-боболарининг кимлигини яхши билмайдиган одамда миллий ўзликни англаш туйғуси ҳам, ғурур-ифтихор ҳисси ҳам бўлмайди.

Зокиржон МАШРАБОВ

УСТОЗНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Дунёда шундай инсонлар бўладики, уларга қараб бошқалар яшаш, меҳнат қилиш, ижод қилиш ва фикрлаш кераклигини ҳис этадилар, ўрганадилар. Адабиёт аҳлигина эмас, бутун ўзбек халқи ўзига устоз деб билган, фахрланадиган Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос олим, профессор Озод Шарафиддинов ана шундай ажойиб, донишмандсифат инсон эди. Устознинг ёрқин хотираси ҳамиша қалбимизда яшайди.

Яқинда Гулистон шаҳрида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Сирдарё вилоят кенгаши ташаббуси билан Озод Шарафиддинов хотирасига бағишланган адабий кеча ва хотира турнири бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда)

Миллий тиклани — миллатга ҳизмати
MILLIY TIKLANISH

● *Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига*

АМИР ТЕМУР — КУЧ-ҚУДРАТ, АҚЛ-ЗАКОВАТ РАМЗИ

Жисмоний бақувватлик ва камолот, қатъий азму қарор ва мустаҳкам ирода Амир Темур ҳазратларига хос хусусиятлар бўлиб, у ўз ҳарбий бошлиқлари ва раияларига ҳам шу хусусиятларни сингдирган эди. Амир Темурнинг ёшлик йиллари ҳақида ҳикоя қилиб, араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ: «Темур ёшлигидан қобилиятли, бақувват, қўрқмас, азму қарори кучли, забардаст ва эпчил бўлиб ўсиб, ўз тенгқурлари — вазирларнинг ўғиллари билан суҳбат қурар ва амирларнинг ўғилларидан ўзига ўхшашлар билан вақтини ўтказарди», — деб ёзган.

Амир Темур даврининг ҳозирги тадқиқотчиси Л.В.Строева эса «Ёшлик давридан бошлаб Темур ташқи белгиларига қараб отларни зотдор ёки дурагай эканлигини ажрата биладиган зийрак ва моҳир чавандоз ва камондан отадиган моҳир мерган бўлган эди», — деб таъкидлайди. Ёшлигидан мана шу тарздаги ажойиб хислатларни ўзида мужассам қилган Амир Темур ҳар доим кучли, мард ва жасур кишиларга зўр ҳурмат-эътибор билан қарарди. Темур ва темурийлар даврида кураш, отда юриш санъати, кўпкари, от пойгаси, ёй ва камондан отиш, човгон ўйини сингари оммавий машғулотлар ва ўйинлар қўшинлар ва халқ орасида кенг тарқалган эди. Ўз қўшинларининг жисмоний чиниқишига Соҳибқирон алоҳида аҳамият берарди. Рақиблари устидан эришилган ғалабалари шарафига, турли-туман тантанали маросимлар ва тўйлар муносабати билан хилма-хил мусобақалар, оммавий ўйину кўриклар уюштирилган. Ушбу маросим ва мусобақалар том маънода оммавий тусда ўтказилиб, унда аҳоли ва қўшиннинг барча табақалари вакиллари иштирок этиб, мусобақа ғолиблари катта мукофотларга сазовор бўлганлар.

Яна шуни қайд қилиш керакки, ҳар қандай шароитда, ҳатто ўзи учун қийин, танг ҳолатларда ҳам Амир Темур ҳазратлари адолат мезонига амал қилиб, ботир ва жасур кишиларга нисбатан тантилик билдириб, ўз ҳурматини изҳор этган. Ҳатто ўз рақибларидан бўлса ҳам мард ва довюрак жангчиларга тан бериб, самимий равишда иззат-икромини билдирган. Мана шу фикримизга икки араб тарихчиси келтирган маълумотлардан мисоллар кўрсатамиз. XV асрда яшаган араб тарихчиси Ибн Тағрибердининг ёзишича, Сурия-нинг Ҳалаб шаҳри муҳосараси пайтида Темур аскарларига қарши амир Азиддин Аздамирнинг ўғли Яшбек ибн Аздамир катта матонат билан мардонавор жанг қилган. Сўнгра у танасининг кўп жойларидан жароҳат олиб, Темур қўшинларига асир тушади. Яшбекни Амир Темур ҳузурига келтирганларида, унинг танасидаги кўп сонли (фақат бошининг ўзи ўттиз жойидан яраланган эди) яраларини кўриб, Соҳибқирон жангчининг матонат ва жасоратига қайта-қайта қироат этилиб, мактабу мадрасалар толиблари уларни меҳр билан ўрганиб, ёд олганлар.

Ёзма манбаларда Амир Темур ва унинг қўшинлари томонидан намоён этилган кучли ирода, темир интизом, жасорат ва матонат намуналари ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган. Шунингдек, ўша даврда кенг тарқалган шатранж ўйини ҳақида ҳам талай маълумотларни учратамиз. Фикрни пешлаш хосияти борлигидан Амир Темур ўз яқин аъёнлари билан муттасил равишда шатранж ўйнар ва бу борада у юксак маҳоратга эришган эди. Ибн Арабшоҳ бу хусусда шундай ҳикоя қилади: «Темур саройида шатранж ўйини усталаридан Уқайл ал-Хаймий, Зайн ал-Яздий ва бошқалар бор эди. Шатранж усталарининг алломаси шубҳасиз, Алоуддин ат-Табризий эди (ўша даврнинг бошқа муаррихлари, масалан, Хондамир ва Ҳофизи Абру, уни Хожа Али аш-Шатранжий ат-Табризий деб тўлиқроқ атаганлар). У фиқҳ ва ҳадис илмларида ҳам етук олим эди. Алоуддин Зайн ал-Яздийга ортиқча бир пиёда қўйиб, ундан ғолиб чиқар, Ибн Уқайлга эса битта от қўйиб, уни устига чиқиб миниб оларди (яъни у билан хоҳлаганча ўйнаб, уни енгарди). Темур Шарқу Ғарб иқлимларини забт этибдики, ҳар бир шоҳу султон жангу жадал майдонларида ҳам, шатранж ўйинида ҳам ундан мағлуб бўлиб мот бўлдилар. Темур доим Алоуддин ат-Табризийга: «Гўё мен салтанат сиёсатида якка-ю ягона бўлганим каби сен ҳам шатранж оламида тенги йўқ, битта-ю биттасан», — дерди. Шунингдек, яна у: «Бизлардан, яъни мен ва мавлоно Алоуддин ҳар қайсимиз ўз санъатида кўп кароматларга эга бўлган беназир кишилармиз. Шатранж ўйини ва унинг мансубалари (комбинациялари) илмида менинг ҳам, Алоуддиннинг ҳам ўзига хос талқинимиз бор», — деярди. Дарҳақиқат, Алоуддин билан ўйнаганда чуқур ўйламасдан туриб, бирон кимса унинг фикри ҳаддига етишга қодир бўла олмасди. У шофеъий мазҳаби бўйича фиқҳ олими, ҳадис илмининг яхши билимдони, хайр-саховатли бўлиб, чиройли юзли-ю ҳақ сўзли инсон эди. Унинг ўзи менга ҳикоя қилишича, у амир алмўминийн Алини (каррам оллоҳу важҳаҳу) тушида кўрган. Али ҳазратлари унга бир халтачада шатранж тутқазган, шундан кейин ҳеч бир инсон ундан ғолиб чиқмаган. Шайхнинг шатранж ўйинидаги фазилатларидан бири шу эдики, ўйин пайтида у ўйланиб, сира тафаккур қилмас, фақат унинг рақиби узоқ фикрга чўмиб, обдон ўйлаб дона сургандан кейин, у ҳеч бир ўйлаб-нетиб ўтирмасдан юриб қўярди. Бир вақтнинг ўзида у ғойибона икки рақиб билан ўйнарди ва ҳисобини олиш натижасида ўз томонида ва рақиблари томонида қандай доналар борлигини ёддан биларди. Шайх Алоуддин ва Амир Темур доим катта шатранжда ўйнардилар.

Шунингдек, мен Алоуддиннинг олдида доирасимон ва узунчоқ шатранжларни ҳам кўрган эдим. Амир Темурнинг ҳиммати кичик шатранжда ўйнашдан олий бўлиб, у катта шатранжда (шатранжи кабийр) ўйнарди. Катта шатранж тахтасининг эни ўн хона, бўйига ўн бир хонадан иборат. Унда ортиқча икки туя (жамал), икки жирафа, икки талийъа (илғор), икки даббаба, бир вазир ва булардан бошқа бир қанча ортиқча доналар ҳам бор бўлган».

Ибн Арабшоҳ келтирган ушбу маълумотлар Амир Темур ҳазратлари шатранж ўйинига алоҳида аҳамият берганлигидан далолатдир. Дарвоқе, Амир Темурнинг ҳаёти ва ғолибона юришларига бағишлаб «Зафарнома» номли асар ёзган муаррих Низомиддин Шомийнинг гувоҳлик беришича ҳам Соҳибқирон ҳазратлари кўп вақт шатранж ўйини билан машғул бўлганлар. Бинобарин, «Зафарнома»да бу хусусда «Кунча ўғлон Амир Соҳибқироннинг саодатбанд суҳбатига мушарраф бўлган, сафар ва қўнимларда эҳсонлар билан тақдирланган, нарду шатранж ўйинларида кўп кунларни Соҳибқирон билан биргаликда ўтказган, ўз эл-улусида тархонлик ҳукмини олган эди», деб ҳикоя қилинади.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳам ўз асари «Лисон ут-тайр»да зикр қилган «шатранжи кабийр»да ўйнаш Амир Темур даврида кенг тарқалганлигини ва жаҳонгирнинг ўзлари ҳам қадимий бу ўйиннинг катта мухлиси бўлганлигини, шунингдек, Соҳибқирон ҳазратлари ўз халқининг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камолотига эътибор берганлигини кўрсатади.

Убайдулла УВАТОВ

«Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида» китобидан



Тошкентдаги Темурийлар тарихи Давлат музейи

УСТОЗНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Йиғилганлар дастлаб «Зарина» кафесига ёднома кечасига таклиф этилдилар.

Хотира тадбирининг давоми адабий кечага уланиб кетди. Вилоят «Маънавият ва маърифат маркази»га устозни қадрлаган кишилар — шогирдлари, Гулистон Давлат университетининг профессор-ўқитувчилари, талабалар, адабиёт ихлосмандлари тўпланишди. Пойтахтдан ташриф буюрган таниқли адабиётшунос олимлар, устознинг шогирдлари, оила аъзоларини кеча қатнашчилари олқишлар билан кутиб олдилар.

Тадбир аввалида Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовга сўз берилди. Шундан сўнг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, адабиётшунос олим Умарали Норматов сўзга чиқиб, домланинг ўзбек адабий танқидчилигида катта мактаб яратгани, энг оғир даврларда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари адабиётимизнинг асл вакилларини ҳимоя қилиб, майдонга чиққани, мунаққид сифатида ҳам самимий ва ҳаққоний баҳони бера олганлигини эслади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов устоз ҳақида гапириб шундай деди:

— Озод акани қоронғида чироқ кўтариб юрган одамга ўхшатаман. Зимистондаги ёруғлик эса кишига умид, ишонч бағишлайди. Озод ака ана шунақа фазилатга бой инсон эди. У киши шахматни жуда яхши кўрарди, яхши ўйнарди. У ақлни чархлайди, дердилар. Устоздан солиҳ фарзандлар, садоқатли шогирдлар, яхши асарлар қолди. Булар устознинг иккинчи умри бошланди, дегани.

(Давоми 2-бетда)

— Мен Озод Шарафиддиновнинг бир гапини сира унутмайман, «Эрталаб турганда Сирдарёга қараб тураман. Қайси вилоятга борадиган бўлсам, Сирдарёга биринчи қадамимни қўяман», дерди у, — деб эслайди таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров.— Домланинг бу қадар ҳурмат ва меҳр билан Сирдарёни тилга олишларига сабаб бор. У кишининг бу ерда Анқабой Қулжонов, марҳум Акрам Каттабеков, Қозоқбой Йўлдошев, Умрзоқ Ўлжабоев каби муносиб шогирдлари бор эди.

Шундан сўнг сўзга чиққан адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов Озод Шарафиддиновнинг кечиримлилик, бағрикенглик, жонкуярлик фазилатлари, умр бўйи савобли ишлар қилиб келганлиги ҳақида гапирди. Устознинг қизи, филология фанлари номзоди Муҳаббат Шарафиддинова: «Мен дадамнинг академиясида ўқиб, тарбия олганман», — деди отасини эсга олиб, Шоира Баҳор Холбекова ҳам дил сўзларини айтди.

Айниқса, Озод Шарафиддинов билан 55 йил умргузаронлик қилган Шарофат аянинг гаплари барчани ҳаяжонга солди:

— Бунақа ўжар, қайсар, қаттиққўл одам билан қандай яшайсиз, деб сўрашарди, — дейди Шарофат ая. — Мен домлани шундайлигича ҳурмат қилардим, қадрлардим. Фарзандларимизга қаттиққўл бўлсалар-да, ўз ўрнида жуда меҳрибон эдилар. Шогирдлари, ҳамкасблари эшикдан кириб келишса, жуда хурсанд бўлиб кетардилар. Тақдир мени шундай ажойиб инсонга йўлиқтиргани учун Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин.

Шундан сўнг кеча иштирокчилари шаҳар маданият ва истироҳат боғида жойлашган шахмат-шашка клубига йўл олдилар.

— Мен хотира кечасида иштирок этиб, шундай таниқли олимлар, ижодкорларнинг гапларини тинглаб, улар билан суҳбатлашиб, ҳаяжонга тушдим. Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамони, севимли шоиримиз Эркин Воҳидов билан юзма-юз ўтириб шахмат доналарини сурганимдан хурсандман. Бир пайтлар Эркин Воҳидов ашаддий шахмат ишқибози бўлган Озод Шарафиддиновга рақиб бўлган эканлар, бугун мен у кишига рақиб бўлдим. Эркин ака яхши ўйнар эканлар, — дейди мирзаободлик шахмат ихлосманди Назокат Жангирова.

Хотира турнирида таниқли олим ва ижодкорлар сирдарёлик ёш шахматчилар билан шахмат ўйнаб, устознинг номини, у кишининг шахмат тахтаси устида айтган қизиқ-қизиқ гапларини ёдга олдилар. Тадбир сўнгида ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси Маматқул Бозорбоев турнирда иштирок этганларга эсдалик совғаларини топширди.

Холида ПАРДАБОЕВА

Рефат ЖАПАРОВ олган суратлар.

● *«Ўзпахтасаноат» корхоналарида*

УРУҒЛИК СИФАТИ — ХИРМОНЛАР БАРОКАТИ

Қорақалпоғистонлик пахтакорлар ўтган йили мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришдилар. Сифатли уруғлик тайёрлаб беришдан тортиб то ҳосилни йиғиб олиб, уни қайта ишлашгача бўлган жараёнларда «Қорақалпоқпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси мутахассисларининг муносиб ҳиссалари бор. Пахтадан мўл ҳосил олиш, ундан олинадиган маҳсулотлар миқдори ва сифатини ошириш, албатта, уруғликка боғлиқ. Сара уруғ — хирмонлар барокати. Ахир шу уруғдан эл-юрт насибаси яратилади-ку! Ҳар бир туманнинг, ширкату фермер хўжаликлар жойлашган майдонларнинг ери, иқлими, суви ва об-ҳавосига қараб, уруғ танлашнинг аҳамияти катта.

— Уруғлик тайёрлашга бўлган эътиборнинг катталиги боис ҳам ўтган йили режалар уддаланиб, бободеҳқонларимизнинг юзлари ёруғ бўлди,— дейди «Чимбой мамығи» акциядорлик жамияти раиси Жарлақосин Бердимуродов. — Янги ва истиқболли навларни яратиш, элита навларини сақлаб қолиш, сифатли уруғлик чигитини тайёрлаш, калибрлаш, дорилаш ва навларга ажратишга алоҳида эътибор қаратдик. Бу йил ҳосили учун 975 тонна С-4727, Чимбой-5018 элита уруғи тайёрланди. Тўртта туманга уруғлик чигит етказиб беряпмиз. Уруғлик чигитни деҳқоннинг даласига олиб бориб бериш йўлга қўйилганидан, айниқса, фермерлар мамнун. Жойларда 22 та уруғлик чигит тарқатиш шахобчалари ташкил этилди. Бу ўз навбатида ортиқча оворагарчиликлару харажатларни тежади.

Ўтган йили корхонага туман хўжаликлари ва фермерлар 16,9 минг тонна ўрнига 23 минг 611 тонна юқори навлардаги пахта хом ашёсини топширдилар. Шу кунгача қабул қилинган пахтанинг 15 минг тоннаси қайта ишланди. Энг қувончлиси, олинаётган тола миқдори 33,8 фоизга кўтарилди. Ишчи-ходимларнинг ойлик маошлари йил сайин кўтарилиб бораётир. Ўртача ойлик миқдори 80 минг сўмга етди. 35 ўринли янги қурилган ошхонада мазали иссиқ овқат тайёрланиб, ишчи-хизматчиларга корхона ҳисобидан берилаётир. Жамият раиси хонасидаги ёрлиққа кўзимиз тушди. Унда «Чимбой мамығи» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Сифат» пахта толасини сертификатлаш маркази ва «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг 2004 йил пахта ҳосилини қайта ишлаш якуни бўйича толанинг юқори сифат кўрсаткичларига эришганлиги учун диплом билан тақдирланганлиги қайд этилган. Дарҳақиқат, бундай ютуққа мамлакатимиздаги 122 та корхонанинг учтаси эришган, холос.

Бу йил жамият билан 7 та хўжалик ва 1137 та фермерлар шартнома тузишган. Шу кунларда далаларда экиш мавсуми бошланди.

«Қорақалпоқпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимида илғор корхоналар талайгина. Шулардан бири «Халқобод мамығи» акциядорлик жамияти ҳисобланади. Акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган тола жаҳон бозорида ҳам юқори баҳоланиб, юқори сифати учун «Олтин медал»га сазовор бўлган. Бу корхонага ташриф буюрган киши ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитларни, ободончилик ва кўркам биноларни кўриб, руҳи кўтарилади. Ўтган йиллари 12 нафар ишчи-хизматчилар оиласига корхона ҳисобидан уй-жой қуриб берилган. Ишчи-хизматчиларга бепул иссиқ овқат бериб борилаётир. У жойда меҳнат қилаётганлар билан суҳбатлашсангиз, ўз корхонасидан, унинг раҳбарларидан ғурурланиш кайфиятини сезасиз.

— Ҳозиргача қабул қилинган хом ашёнинг 16 минг тоннага яқини қайта ишланди,— дейди жамият раиси Мурод Қодиров. — Тола олиш миқдори режадаги 33,3 ўрнига 33,7 фоизни ташкил этди. Бу жуда қувонарли кўрсаткич. Бу ерда янги ҳосил учун 615 тонна уруғлик чигит тайёрланди. Ҳозирги кунда уруғлик шахобчалар орқали Кегейли, Тахтакўпир ва Нукус туманларига тарқатилаётир.

— Мақсадимиз жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган камтаннархли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тежамкор технологиялардан фойдаланиш, — дейди жамият раиси Мурод Қодиров. — Бу эса, албатта, корхонамизнинг иқтисодий равнақ топиши учун хизмат қилади.

Қорақалпоғистондан қайтар эканмиз, эзгу ниятқилдик: Бу йил ҳам қорақалпоқ деҳқонининг хирмонларига барака ёғилсин!

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Соҳибқирон ўгитлари

Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

* * *

Фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайни ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, ҳақларини адо этдим.

* * *

Менда бирор кимсанинг ҳақи бўлса, ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан қолдирмадим.

* * *

Гарчи яхши сўзни ҳаммадан эшитиш зарур бўлса ҳам, лекин сўзда, ишда бошқалар салтанат ишларида подшоҳга шерик ёхуд устун бўлмасликлари шарт.

* * *

Яхшини ёмон кунда сина.

* * *

Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди. Дўстининг душманини ўз душмани деб деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.

* * *

Зинодан туғилган киши ўзига яхшилик қилган одамга ёмонлик қилмагунча дунёдан кетмайди.

* * *

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

* * *

Шер йигитни номус ўлдирар.

* * *

Билаги зўр — бирни йиқар,
Билими зўр — мингни.

* * *

Бўлар одам ёшида бош бўлар,
Бўлмас одам қирқида ёш бўлар.

* * *

Душманнинг кулгани—сирингни билгани.

* * *

Душмандан қўрқма, мунофиқдан қўрқ.

* * *

Дўстлик синовда чиниқади.

* * *

Ота бўлмаган ота қадрини билмас.

* * *

Тил — қиличдан ўткир.

* * *

Сўзлагувчи гар доно эрур, тинглагувчи доно ўлсин.

* * *

Кечира олишлик — мардлик, кечира билмаслик — номардлик.

* * *

Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилган.

* * *

Чақалоқларингизни йиғлатмангиз, болаларга озор бермангиз — бу гуноҳи азим эрур. Бундай гуноҳни Аллоҳ хуш кўрмаган.

Табиат шайдолари

Самарқанд шаҳридаги «Нилуфар гуллари-М» масъулияти чекланган жамиятининг табиат шайдоси, гуллар ошуфтаси бўлган жамоаси байрамларни ўзгача шукуҳда, ёнатрофни ноёб гуллар, манзарали дарахтлар билан безашдек эзгу ниятлар ва ҳаяжонлар оғушида кутиб оладилар.

Гулчилар ҳузурида бўлиб кўчат қилишга мўлжаллаб етиштирилаётган анвойи, очилганда бир-биридан гўзал чирой касб этадиган, ифорлари ҳам бетакрор ниҳолларни кўриб, ҳавасимиз ортди. Етти гектарлик ҳудуд гўё Болтиқ бўйи ҳудуди, кунчиқар мамлакат — Япония гўзалликлари, Голландия, Германия табиати манзараларига ўхшайди.

— Мана бу дарахт қишда ҳам, ёзда ҳам кўмкўк бўлиб туради, — дейди жамият директорининг ўринбосари Эркин Ҳамдамов.— Унинг номи — магнолия. Дарахтнинг асл ватани Болтиқ денгизи соҳиллари. Қарангки, Самарқанд шароитидан бегонасирамади. Осмонга бўй чўзиб, тобора яшнаб бормоқда. Ҳозирча улар етти туп. Уруғидан эса минглаб магнолияларни кўкартираяпмиз. Насиб этса, бу ноёб, хушманзара дарахт шаҳримиз хиёбонларида, қўшни вилоятлардаги истироҳат боғларида муносиб ўрнини топади. Бундан ташқари, арча, сосна, кедр, дуб, каштан, кипарис, шарқ совури синғари манзарали дарахтлар ва гулларнинг кўчатлари очиқ дала, иссиқхона шароитида кўпайтирилмоқда.

Биз хўжалик ишлари мудири Олим Абдурашидовнинг таклифи билан иссиқхоналарда етиштирилаётган кўп йиллик ва бир йиллик гул кўчатлари парвариши билан танишдик. Ўн беш хилдан ортиқ ноёб гул кўчатларини парвариш қилаётган Зарнигор Ҳайдарова, Шаҳноза Бойовалар билан суҳбатлашдик. Уларнинг иши бир қарашда завқли, айни маҳалда эса игна билан қудуқ қазишдек гап экан. Нимжон ниҳолларни бегона ўтдан тозалаш, суғориш, озиқлантириш, меъёрдаги иссиқликни сақлашнинг ўзи бўладими, ахир. Митти-митти кўчатлар ҳадемай юртимиз кўчаларига, меҳмонхоналар, корхоналар ҳовлиларига кўрк бахш этишини кўпчилик тасаввур ҳам қила олмаса керак. Қани эди, гулзорларни пайҳон қиладиганлар, гулларни юлиб, эзғилаб, оёқ остига ташлайдиганлар гулчиларнинг иссиқхоналардаги бугунги заҳматлари билан танишсалар. Эҳтимол, шундан сўнг ҳар туп гул, ҳар туп дарахтнинг кўкариб, яшнаб туриши ортида кимларнингдир заҳматли меҳнатлари, меҳру муҳаббати борлигини англаб етардилар.

Илгари биз, асосан, меҳнат, пахта, чорва ҳақида кўпроқ ўйлардик. Бу яхши, бироқ яхши яшаш, қилинган ишимизга яраша инсон учун яратилган неъматлардан етарлича баҳраманд бўлиш ҳақида қайғурмасдик. Юртни гуллатиб, яшнатиб қўйиш юракка сиғмас эди. Эндичи?

—Энди турмуш тарзимиз ўзгарди. Дунёдаги ҳеч бир халқдан кам эмаслигимизни англадик, — деган эди Ургут туманидаги «Кенагас» фермер хўжалиги раҳбари Бурҳон бобо Нарзуллаев. — Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида 94 гектар ерда ширкат усулида ишлай бошладик. Кўп ўтмай фермер бўлдик. 3-4 йилдан буён гулчилик билан ҳам шуғулланяпмиз. Бу азалий орзуларимиз эди. Эшигимиз тагигача тамаки, пахта экиладиган замонларда бундай ишга қўл уриш ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмас эди. Хуллас, 4 гектар ерда гул кўчатлари етиштиряпмиз. Иссиқхона қуриб, қишда ҳам бу иш билан машғул бўлмоқчимиз. Юртимизнинг гуллар мамлакати бўлишини орзу қиламиз.

Бурҳон бобонинг айтганларини эсласак, бугун «Нилуфар гуллари—М» ишончли қўлларда эканидан қувонамиз. Инсон билан она табиатнинг ўзаро боғлиқлиги бор экан, гулчилар кўнгилга яқин касб эгалари бўлиб қолаверади.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири

ГАЗНИНГ УВОЛИ ЙЎҚМИ?

Коммунал хизмат ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб бормоқда. Турмуш тарзимизни сув, газ, электр энергияси ва бошқа маиший хизмат турларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. «Жиззахгазтаъминот» ҳудудий корхонасининг «Даштобод-шаҳаргаз» филиали жами 5008 та хонадон ва 61 нафар улгуржи истеъмолчиларга самарали хизмат кўрсатиб келмоқда. 118 дона ГРПлардан 111 донаси мавсум арафасида сифатли таъмирдан чиқарилди. Аҳолига бир меъёрда табиий газ етказиб бериш мақсадида 2005 йилда яроқсиз ҳолатдаги газ узатиш қувурлари таъмирланди, эррозияга чидамли бўлиши учун бўёқланди.

2006 йилнинг январ ойида истеъмолчилардан ёқилган газ учун 10 миллион 55 минг сўм тушум пуллари ундирилди. Улгуржи истеъмолчилардан эса 3 миллион 860 минг 700 сўм табиий газ учун тўловлар олинди. Жорий йилнинг январ-феврал ойлари давомида 51 метр куб табиий газ тежаб қолинди. Ахир миллий бойлигимиз бўлган табиий газга эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бормоқда. Демак, биз бебаҳо бойлигимиз бўлмиш зангори оловга беписандлик билан қараб, исрофгарчиликка йўл қўймаслигимиз керак.

Айрим юртдошларимиз табиий газдан ноқонуний йўллар билан фойдаланадилар. Даштобод шаҳридаги Имомназаров кўчасида истиқомат қилувчи Қурбон Ризаев, Хайрулла Жумабоев, Боймоқли қишлоғида яшовчи фуқаро Илҳом Шойбеков, «Янги ҳаёт» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Бозорбой Йўлдошев сингари истеъмолчилар табиий газдан ноқонуний фойдаланганлиги учун жаримага тортилдилар.

Ходимларимиз жойларда бўлиб, тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. «Даштободшаҳаргаз» филиалимизда 54 нафар ишчи-хизматчилар самарали меҳнат қилиб келмоқдалар. Ишлаб чиқариш илғорларимиздан Абдували Шербўтаев, Бахтиёр Исмадиёров, Рустам Сангиров, Саид Ғайбуллаев сингари заҳматкаш ходимларимиз жамоамизнинг фахри ва ифтихоридир.

Барчамизнинг ҳам мақсадимиз халқимизга беминнат хизмат қилиш. Одамлар ҳаётини ўз меҳнатимиз билан оз бўлсада енгиллаштирсак, халқ биздан рози бўлса, бутун чеккан заҳматларимиз унут бўлиб кетади. Зеро, элга хизмат қилган одам асло кам бўлмайди.

Ғанишер САНГИРОВ,
«Даштободшаҳаргаз» филиали директори

● *Севги саргузаштлари*

Хабиб ТЕМИРОВ

Акрми ё ҳаббат?

Шу ўринда «Нега Абдували «Уста»га қарши ошкора курашмади», деган савол туғилади. Албатта, у бундай қилолмасди. «Уста»га ошкора қарши чиқиш, қонуний йўл билан кураш олиб бориш унинг учун ҳалокатли эди. Шу боис у меҳнат таътилига чиқиб, «Уста»ни йўқ қилишга бел боғлайди. Бу йўлда ўзи ҳам қурбон бўлади. Нақадар жўн ва қайғули хулоса. Наҳотки, Абдували ўз режасини етарлича пишиқ қилиб тузолмаган?..

— «Уста»нинг соқчилари қуролланганмиди? — деган бемаъни савол бердим Меҳрига ва бундан ўзим ҳам уялдим.

— Билмадим, — деди Меҳри. — Аммо... жудаям кучли, спортчи болалар.

— А-ҳа... Кўпмиди?

— Ўн-ўн беш чоғли чиқади.

— Латифа хоним Сизга «Уста»ни юрак хуружидан, Берлинда, касалхонада ўлган, деб айтган-а?

— Ҳа, шундай деганди.

— Тушунарли. Мен энди... Абдувалининг чиндан ҳам хорижга учиб кетган-кетмаганини аниқлашга уриниб кўришим керак. Агар шуни аниқласам, масала анча ойдинлашади.

— Нима ойдинлашади? Абдували аканинг қаердалигими?

— Ҳа. Бундан ташқари... У тирикмикан ишқилиб?..

— Яхши ният қилинг.

— Илоҳим, тирик бўлсин.

Меҳрининг кўзларида хавотир ва таҳлика кўрдим. Чамаси у миш-миш ҳақидаги бояги гапимдан саросимага тушмоқда эди. Худди ўйлаганимдек, ўзи ҳам бирпасдан сўнг шу ҳақда гап очди.

— Агар... мени Абдували ака билан қочди, деб гап чиққан бўлса иккаламизни қўшиб қидиришаётган эмасмикин, ишқилиб?

— Бўлиши мумкин.

— Мен нима қилай бўлмаса?

— Ҳайронман... Ўзингиз нима дейсиз?

— Менга қолса... хорижга кетсамми, дуб турибман.

— Хорижда нима қиласиз? Қўйсангиз-чи?

— Латифа хоним қўнғироқ қилди, «Қайтиб келсанг, бирон жойга ишга жойлаб қўяман», деяпти.

— Қайси Латифа хоним? Ҳа-а, афандининг хизматкорларидан. Дарвоқе, у қаерда экан ҳозир?

— У киши гувернантка... бой оилаларда инглиз тилидан хусусий дарс бериш билан шуғулланади. Кимсасиз аёл. Бефарзанд. Ўғилчамга меҳр қўйиб қолган эди. «Ўзим тарбия қиламан», деяптилар.

— Ундай бўлса... билмадиму, лекин аёл кишининг хорижий элларда сарсон бўлиб юришини маъқулламаган бўлардим.

— Ҳар киши... ўз виждони олдида жавоб беради. Шундай эмасми?

— Тўғри. Лекин барибир мен Сизнинг хорижга кетишингизни истамасдим.

Меҳри маъюс жилмайди.

— Майли, ҳали қатъий бир қарорга келиб улгурганим йўқ-ку. Сизга... қўнғироқ қиларман, — деди.

Хайрлашдик. Мен унинг сўнгги сўзларига ишонолмадим. Чунки кўзларида иккиланиш йўқ эди. Қаршимда ўз мақсадини яхши билувчи, қатъиятли аёл чеҳраси намоён бўлиб турарди. Шу боисдан ҳам энди уни ҳеч қачон кўрмасам керак, деб ўйладим. Қолаверса, ушбу чалкаш воқеанинг энди давом этадиган жойи қолмаган эди, назаримда. Абдувалининг хорижга борган-бормаганлигини аниқлаш учун қилган ҳаракатларим бехуда кетгач, бунга тўла ишонч ҳосил қилдим.

— Биз бу одам ҳақида ҳеч кимга, ҳеч қанақа маълумот беролмаймиз, — дейишди халқаро аэропорт ходимлари.

— Нега? Нима, бу давлат сирими?

— Йўқ. Шунчаки матбуот учун ҳеч қанақа маълумот беролмаймиз. Вассалом!

— Нега ахир?

— Илтимос, мени ҳам ўзингизни ҳам қийнаманг. Хайр!

Абдувалининг ишхонасида ҳам, уйида ҳам такроран ўша эски жавобни олдим: меҳнат таътилида. Бу жавобнинг хотиржам айтилишига қараб, «ҳар ҳолда тирик бўлиши керак», деб ўйладим. Кутишга қарор қилдим. Соғомон бўлса, бирон кун дараги чиқар, деб ўйладим.

11. ОДИЛ

Бу исм воқеликда биринчи бор тилга олинмоқда. Биз у билан илгари учрашганмиз. Судда. У... суд қилиниб, йигирма йил қамоқ жазосига ҳукм этилган ёлланма қотил — Одил Маҳкамов эди. Эсингизда бўлса, суд ҳақида гапирганда мен унинг исми-фамилиясини тилга олмаганман. Чунки ўша пайтда бунинг аҳамияти йўқ, деб ўйлаганман. Яна бир жиҳати, ўзи қотилу исми Одил экани ғашимни келтирган. Ажабки, ҳаётда мана шундай номутаносибликлар гоҳ-гоҳ учраб туради. Яъни, исми Одилу ўзи қотил ёки исми Оқилу ўзи беақл ва ҳоказо. Қолаверса, ўшанда мана шу эзгу мақсад ила қўйилган чиройли исмнинг кўпдан-кўп соҳиблари «бошқа исм қуриб қолганмиди», дея оғринишади, деган андишага борганман. Хуллас, азбаройи нафратланганим туфайли ҳикоя давомида ҳам уни деярли эслатмасликка тиришдим. Ҳатто Абдували бир гал уни «қамоқдан қочибди», деганида ҳам бунга айтарли аҳамият бермадим. «Бузоқнинг югургани сомонхонагача», деб қўйдим. Бизнинг замонда қамоқдан қочиб қутулиш ақлга сиғмайдиган нарса-ку. Ҳолбуки у тез-тез эсимга тушар, унинг темир панжара ортида ўтириши, ўзини имкон қадар хотиржам тутишга уриниши кўз олдимда бот-бот жонланар ва мен буни ўтакетган шармсизлик, андишасизликка йўярдим. Ҳатто унга охирги сўз берилган чоғда ҳам пинагини бузмаган. Судьянинг «қилган ишингиздан пушаймонмисиз?» деган саволига: «Йўқ. Чунки бу ишни мен қилмаганман», — деб жавоб берган. Иродани қаранг. Сирасини айтганда, у тергов давомида ҳам, судда ҳам ўз айбини бўйнига олмагани ҳеч кимни, жумладан, мени ҳам ажаблантирмаган. Сабаби, терговда ҳаммаси аниқ далиллар билан исботланган эди. Шу боис унинг иқрори ва пушаймонига ҳожат бўлмади. Фақат мен Абдувалига ҳазил аралаш ўз таажжубимни билдиргандим: «Наҳотки, сендек паҳлавон терговчилар ҳам уни шунга мажбур этишолмаган бўлишса?» — деб. Абдували ҳазилимдан ранжиган, «сенга ўхшаган «дўст»ларнинг шарофати билан айрим одамлар терговчи билан жаллоднинг фарқига бормай қўйишган, ҳолбуки биз калтак ёрдамида эмас, ақл билан ишлаймиз», деганди. Кейин мен Абдувалидан: «Ростини айт-чи, терговчи қавмида ўз хатосини мардларча тан олиб, уни тузатишга ҳаракат қилувчилар ҳам учраб турадими?», — деб сўрадим. Шунда у: «Албатта, иш бор жойда хато бўлади, уни тузатмоқ эса марднинг иши», — дея шоирона жавоб берди. Бу саволга Одилнинг аввал бошданоқ айбини тан олмагани ва судда бир оғиз: «Хато қилияпсизлар, ўз ожизликларингизни хаспўшлаш учун бегуноҳ одамларни жазога тортяапсизлар», — деган гапи сабаб бўлганди. Лекин у пайтлар Одил Маҳкамовнинг бегуноҳлиги ҳақида гап ҳам, фикр ҳам бўлиши мумкин эмасди. Кейинроқ, кўнглимда «Жасур бегуноҳ бўлиши мумкин», деган фикр туғилган ва албатта, ўшанда бу фикр қотилликнинг буюртмачиси бошқа эмасмикин, деган гумон ҳосиласи эди. Бироқ Жасур ўз жонига қасд қилгач, гумон гумонлигича қолиб кетди. Бунинг устига «Одил Маҳкамов қамоқдан қочибди», деган гап яна бир янги гумонни келтириб чиқарди. Ўйладимки, «у ўз фожиасининг сабабчилари бўлган Меҳрини ҳам, Жасурни ҳам ўлдиришга бел боғлаган. Қамоқдан ҳам худди шу мақсадда қочган!»

Меҳридан «Уста»нинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитгач, тасаввуримда мудҳиш қотилликлар, «қонли ўйин»нинг тайёр силсиласи пайдо бўлди. Бу — ўша! Одил Маҳкамов яраланган бўри сингари Меҳрига алоқадор бўлган одамларни бирин-кетин гумдон қилмоқда! Худди детектив кинолардаги сингари. Қонсираган қотил! Бир марта қон тўккан одам кейин ўзини тўхтатолмайди, дейишади.

— Қотиллик қилиб қамалганлар жиноят дунёсида катта обрўга эга бўлади, — деганди суҳбатларимиздан бирида Абдували. — Унақалар зонада, маҳбуслар орасида алоҳида имтиёзлардан фойдаланишади. Қанча кўп одам ўлдирган бўлса, мавқеи шунча баланд бўлади. Ундан бўридан қўрққандек қўрқишади...

Аҳ-а! Демак, Маҳкамов ҳибсдан қочиб, қасос йўлига кирган. У мабодо қўлга тушса ҳам, албатта, қўлга тушиши аниқ — қамоқда яна ҳам юқори мавқега эга бўлажагини билади. Отилиб кетмаса, албатта. Агар...

Шу топда хаёлимда «...агар у... Абдувалини ҳам... ўлдирган бўлса-чи?», деган мудҳиш фикр пайдо бўлди. Уни ҳали «хизмат сафарида», ҳали «меҳнат таътилида» деб ғойиб бўлганини яширишмаяптимикан? «Ҳуқуқ» журнали ходимининг мастликда айтган гаплари таги пуч миш-миш, албатта. Чунки Абдувалининг Меҳри билан қочиб кетмаганлигини ўша пайтдаёқ яхши билардим. Бироқ... бундан анча йиллар олдин прокуратурада терговчи бўлиб ишлаган бир истеъдодли, ҳалол йигитнинг изсиз ғойиб бўлиб кетгани, отаси, таниқли олим ёлғиз ўғлининг доғида адойитамом бўлганини, ўша йигитнинг ҳанузгача на тириги, на ўлиги топилмаганидан хабардор бўлганим учун Абдували ҳақида шундай гумонга боргандим. Фақат... фақат бир нарса кўнглимга таскин берарди. Унинг ишхонасида ҳам, уйида ҳам ҳеч қанақа таҳлика, хавотир белгисини сезмадим. Демак... Абдували улар билан хабарлашиб турган бўлиши мумкин. Акс ҳолда... бу гап тарқалиб кетарди. Лекин... унинг маъшуқаси билан қочганлиги ҳақидаги миш-миш қандай пайдо бўлган? Шунга бошим қотар, прокуратурадан, унга яқин бўлган журналист дўстлардан бирон аниқ гап аниқлашга ҳарчанд уринмайин, ҳеч нарсага эришолмасдим. Дарвоқе, шу орада Абдувалининг уйига яна бир неча марта қўнғироқ қилдим. Яна ўша, «у киши меҳнат таътилида, дам олаяптилар», деган хотиржам жавобни эшитдим. Бу қанақа жумбоқ бўлди? Уни қандай қилиб ечиш мумкин?

(Давоми келгуси сонда)

(Боши ўтган сонларда)

ЧЎПОНМИ ЁКИ ДОНИШМАНД?



Ҳаёт. Тирикчилик. Меҳнатнинг айби йўқ. Қўшнимиз биздан узоқроқ туманларнинг биридан деҳқончилик учун ер олибди. Мени ҳам ҳашарга айтиб кетди. Уч-тўрт сўм пул ҳам ваъда қилди. Ёзги таътил эди. Бордим.

Мана бир неча кунки, ёзнинг иссиғида буғдойи йиғиштириб олинган ерга шоли кўчатини ўтқазаяпмиз. Биз ишлаётган дала одамлар яшайдиган манзилдан анча йироқ — овлоқ бир жойда жойлашган. Даланинг бир тарафи Оқдарё дарёсининг соҳили бўлиб, ёввойи жийда, юлғун каби бутасимон дарахтлар орасидан ҳар-ҳар замонда каккунинг «ку-ку»лаши-ю булбулнинг ноласи эшитилиб туради. Кун қизигандан қизийди. Тушлик вақти қароргоҳимиз — чайла томон йўл оламиз. Деярли неча кундан буён бир хил иш, бир хил юмуш. Маҳаллий йигитлардан ҳам бир-икки нафари бизга ёрдам учун келган. Бугун ҳам одатдагидек тушлик чоғи овқатланиб турган эдик, олмиш ёшлардаги бир кекса киши дарёнинг соҳилидан от чоптириб ўтди. Бизнинг тўғримизга келганда отнинг тезлигини сусайтириб: «Ҳов, ҳорманглар-а, баччағарлар», — дея бақирди-да, жавобимизни ҳам кутмасдан отга қамчи урди. Маҳаллий йигитнинг айтишича, бу чолнинг исми — Раҳим бобо бўлиб, қишлоқ чўпони экан. Ёлғиз ўзи каттакон бир ҳовлида истиқомат қилар экан.

— Сал жиннироқ, бечора, ҳар кимнинг қўй-эчкисини боқиб «ошалол»га тирикчилик қилади. Ким нима берса олаверади — пулми, егуликми, эски туски кийимми, фарқи йўқ. Фақат олишда эгасига: «Розимисиз, раҳмат, охирингиз хайрли бўлсин», деган гапларни айтишни унутмайди.

— Кечирасиз, «ошалол» деганингиз нимаси? — сўрайман ундан.

— А-а, маҳаллий тилда шунақа дейилади. Аслида «оқи ҳалол» дегани. Чўпон-чўлиқларнинг хизмат оши. Халқ тилида шундай дейилади.

Чолнинг тақдирига қизиқиб қолдим. Кунларнинг бирида ўша чол қўй-эчкиларни ўтлатиб дарё соҳилига — биз ишлаётган ер тўғрисига яқинлашди. Мен ишни ташладим-да чолнинг олдига йўл олдим. Ёнига келиб, салом бердим.

— Ассалому алайкум, Раҳим бобо.

— Мен Раҳим эмасман, Абдураҳим — Худонинг қулиман. Хўш нима гапинг бор менда? — деди чол саломимга алик олмасдан.

Мен чолнинг қўпол муомаласидан бироз оғриндиму сиполикни қўлдан бермай:

— Сизнинг суҳбатингизни олай дедим, — дедим.

Чол индамасдан отининг олдини шарт бурди-да, чоптириб кетди. Мен нима қиларимни билмай ҳайрон турган эдим, у яна отини елдириб ёнимга келди.

— Тушлик чоғи ҳув дарахтларнинг соясига кел. Ҳозир жониворларни суғориб, кейин соялатишга қўяман.

У яна отига қамчи босди-да, йўрттириб кетди.

Айтилган вақтда ўша келишилган манзилга — қуюқ соя солиб турган бутазорнинг ёнига бордим. Чол келмаган экан, бироз кутдим. Дарёнинг ёқимли шовуллаши хаёлимни олди. Бир маҳал чолнинг: «Ҳа, қани, гапир», — деган дўриллоқ, аммо қандайдир меҳрли, ёқимли овозидан чўчиб кетдим. Хуллас, ўша куни тушлик чоғида чол билан анча гурунглашдик. Гурунг авжига чиққанда чол ёнидан қоғозга ўралган мохорка олиб тутатди. Шу вақт мен билан ишлаётган йигитлардан бири бизга яқинлашди.

— Бобо, гугуртингиз борми, — деди қўлидаги сигаретини тутатмоқчи бўлиб. Чол у томонга бир қаради-да, бепарво оҳангда деди:

— Ах, болам-а, гугуртим бўлганда бу дунёдаги ҳақсизликларга ўт қўйиб юбормасмидим?!

Мен чолнинг бу жавобидан ҳайратда қолдим. Кейин йигитнинг хатосини англагандай бўлдим...

У кетгач мен бу дунёда ким эканлигимни, оталик бурч, масъулият, виждон, сабр-тоқат, нима эканлигини англадим. Чол маҳаллий йигитларнинг таъбирича, жинни эмас, донишманднинг ўзи экан. Ундаги фалсафа, теран мушоҳада мен билган инсонларнинг ҳеч бирида йўқ эди. Унинг дунёқараши, фикрларини сўз билан таърифлай олмайман. Бир неча кун ўша суҳбатнинг таъсиридан чиқолмадим.

Чолнинг отаси ҳам ёшлигида чўпон бўлган экан. Кунларнинг бирида қоқ туш пайтида қўй-эчкиларни соялатиб қўйиб, ўзи дарё соҳили томонга йўл олибди. Йўлда кетаётса, бир бутанинг устида бир чиройли қиз сариқ сочларини тараб турган эмиш. Кимдандир эшитган экан. Париларга дуч келиб қолсанг, сочидан ушла, ўшанда у сенинг қўлингдан қочиб кетолмайди, деган гапни. У секин келиб унинг сочидан ушлаб олибди. Пари шунча ялинса ҳам қўйвормабди. Отга ўнгариб қишлоққа йўл олибди. Қишлоқнинг четидаги бир ҳовлида доим йигитлар қимор ўйнашар экан. У ўша уйга келиб, қизни йигитларнинг даврасига олиб кирибди. У ерда ўтирганлар бу бегона қиз ким эканлигини сўрашибди. У:

— Қизни бир жойдан ўғирлаб келаяпман, тезда бир хона ҳозирланглар, мен у билан кўнгилхушлик қилмоқчиман, бу гўзал қиздан зурриёд олмоқчиман, — деб жавоб берибди.

Алҳол, алоҳида хонага кириб, энди ечинаётган экан, қиз пайтдан фойдаланиб унинг қўлидан чиқиб кетибди. У бир сакраб кабутарга айланибди-да, токчага қўниб сўзга кирибди:

— Мени инсонларнинг ичида шарманда-ю шармисор қилдинг. Илоё, зурриёдинг қурисин.

Ўша пайтда Абдураҳим бобо бир ёшлар чамасидаги бола экан. Орадан бир мунча муддат ўтиб, иккинчи жаҳон уруши бошланибди. Отаси урушга кетибди-да, қайтмабди. Абдураҳим бобонинг онаси ҳам бир муддат ўтиб йўқчилик, ғам-кулфатга чидаёлмай қазо қилибди. Абдураҳим бобо кишиларнинг эшигида вояга етгач, маҳалла-кўй уни уйлаб қўйибди. Орадан йиллар ўтиб у бир ўғил фарзанд кўрибди. Ўғли вояга етгач, Афғонистонда — ҳарбий хизмат чоғида ҳалок бўлибди. Ўғлининг ҳасратдоғида кўп ўтмай хотини ҳам қазо қилибди. Шу-шу Абдураҳим ота сўққабош — дунёдан ёлғиз ўтаётган экан.

Мен чол воқеасидан сўнг шу нарсага яна бир бор амин бўлдимки, ҳаётда сабабсиз оқибат бўлмайди. Қолаверса, биз ўша жинни деб ўйлаган инсонларнинг ҳаммаси ҳам жинни бўлавермаслигини англадим.

Бобомурод ОДИЛОВ

Миллий тиклаиш — миллат келажаги
MILLIY TIKLANISH
O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

● *Муштарий илҳоми*

У садоқат тимсоли. Унинг умидлари сўнмаган. Шунинг учун у қоронғу кечаларни-да ёруғ юз билан кутиб олади.

«Уруш бўлмаганида
Мен ёлғиз яшамасдим,
Мен она бўлолмадим,
Дилимда олов қолган»

дейди унинг юраги.

«Ҳозир 86 ёшдаман, ёлғиз қарияман. Ёшлигимдан шеър ёзиб келаман. Лекин ёзган шеърларим ёритилмаган. Бундан 70 йил аввал техникумда ўқиган кезларим раҳматли устозим шоира Зулфия опамнинг биринчи шогирдларидан эдим. Газеталар ичидан шу зиёлилар газетасини танладим. Чунки, 36 йил ўқитувчи бўлиб ишлаганман» деб ёзади бизга у. Қоғозга юрагини тўккан табаррук онахон Карима Алимованинг дил номасидан бир парчасини сизларга илиндик.

ҮНҮТИБ БҮЛМАС ЭКАН

Карима АЛИМОВА

Қалбда дард туғён урар,
Ёзганим бир мисра шеър.
Не ҳам дердим, билмадим,
Ўқиганлар нима дер?
Урушлар ўтиб кетди
Қўрқинчли тушлар каби,
Яралар битиб кетди
Қўйилган тишлар каби.
Аммо!..

Ёлғиз қолган бевалар —
Мардона маъбудалар
Қалби тўла аламдир,
Ёлғизлик оғир ғамдир.
Унутиб бўлмас экан,
Улар тирилмас экан,
Бу қурбонларнинг ўрни
Ҳеч қачон тўлмас экан.

Доимий шовқин юрак хасталигига сабаб бўлади

Кўчадаги ёки ишдаги доимий шовқин юрак мускуллари инфарктига олиб келувчи хасталикка сабабчи бўлиши мумкин. Берлиндаги Шарит университети мутахассисларининг фикрича шовқин юрак хасталиги келиб чиқишида чекиш ёки қон босимининг ошиши каби ўрин тутмасада, унинг доимий таъсири натижасида асаблар зўриқиши юрак хасталиги келиб чиқиши учун етарли сабаб бўла олади. Автомобилларга тўла кўча шовқини эса ушбу хавфни 50%га оширади. Шовқиннинг доимий таъсирига аёлларга нисбатан эркаклар кўпроқ сезгир бўлиб, уларнинг учдан бир қисми шовқинга ўта сезгирдирлар.

Жамоат жойлар ва жамоа бўлиб ишлайдиган ишхоналар шовқини 60 децибал деб белгиланиб, бу шовқин 85 децибалга тенг бўлган кўчадаги автомобиллар шовқинининг зарарли таъсиридан кам бўлмайди. Шовқин ўтказмайдиган деразалар, товуш чиқарадиган лампаларни алмаштириш каби оддий чоралар ёрдамида шовқин кучини 60 децибалдан камайтириш шовқин таъсиридан пайдо бўладиган зарарни энг кам миқдоргача камайтиради.

Ранглар даволайди

Ҳозирги пайтда беморларнинг ҳар хил рангларни қандай қабул қилишига қараб уларнинг бирор бир муаммоларини — касаллик белгиларини аниқлаш кенг тарқалмоқда. Организм рангларни ҳар хил турдаги электромагнит тўлқинларни қабул қилгани каби қабул қилади. Бунга жавобан тана хужайраларида маълум миқдорда резонанс содир бўлади.

Қадимда табиблар ранглар ёрдамида киши танасига таъсир ўтказиш мумкин, деб ҳисоблашган ва ҳарорат кўтарилиши билан боғлиқ касалликларга совуқлик таъсирига эга деб ҳисобланган кўк, бинафша ранглар билан, аксинча, совуқ таъсирида келиб чиққан касалликларга иссиқлик таъсирига эга деб ҳисобланган сариқ, тўқ сариқ ва қизил ранглар яхши таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблашган. Табиблар шишларни яшил ранг ёрдамида, қизариб чиққан шишларни эса қора ранг ёрдамида даволашган.

Қуйида рангларнинг киши танасига таъсирини келтирамиз:

Қизил ранг. Бош мия фаолиятини тезлаштиради, ҳис-туйғуларни кучайтиради, иштаҳани очади, қон айланишини тезлаштиради.

Сариқ ранг. Бош мия фаолиятини яхшилаш орқали ақлий толиқишни йўқотиб, унинг фаолиятини яхшилайди. Асаблар толиқиши натижасида келиб чиқадиган безовталикни йўқотади.

Тўқ сариқ ранг. Ҳис-туйғуларни кучайтириб, қувноқлик пайдо қилади. Ижобий қувват беради. Камқонликни даволашда ёрдам беради.

Яшил ранг. Ҳис-туйғулар ва хатти-ҳаракатларни меъёрлаштириш ва назорат қилишга ёрдам беради. Шунингдек, юрак фаолиятини бир маромга туширади.

Ҳаво ранг. Уйқусизликни олади. Ёмон фикр ва ҳис-туйғуларни йўқотади. Оғриқларни камайтиради.

Кўк ранг. Қўрқинч ва безовталикни йўқотади. Асаблар таранглигида ёрдам беради.

Бинафша ранг. Асаб толалари оғриқларида фойда қилади. Тўқима ва аъзолар чидамлилигини оширади.

Мунажжимлар бурж белгиларига қараб, қуйидаги рангдаги кийимларни танлашни тавсия қиладилар:

Қўй — қизил, бузоқ — сариқ, эгизаклар — сариқ, қисқичбақа — яшил, йўлбарс — сариқ ва тўқ сариқ, паризод — тўқ кўк ва сариқ, тарози — тўқ сариқ, чаён — қизил, ўқ-ёй — қизил ва тўқ сариқ, тоғ эчкиси — тўқ яшил, қовға — кўк, балиқ — яшил.

Манзура ШАМС тайёрлади

СОҒИНЧ

Қилич қош бўлиб
Ой туғилганда
Сенинг қошларинг
Ёдимга тушар.
Сенинг кўзларинг
Дилим ёритиб,
Ёшлик даврини
Эслатиб ўтар.
Ой тўлишганда
Кўнглим тўлдириб,
Ойга яқин бир
Юлдуз бўлсайдим.
Уйқусиз ўтган
Ёрқин тунларда
Кошкийди сени
Тушда кўрсайдим.

КУЧЛИ ҚИЗ

Украиналик 12 яшар қизча Варя Акулова дунёда «энг кучли қиз» ҳисобланади. Бу нарса Гиннеснинг рекордлар китобида ҳам уч марта қайд этилган.

Қизчанинг соф оғирлиги бор-йўғи 40 килограммни ташкил этишига қарамай, у оғир атлетика билан шуғулланади ва бир уринишда 250(!) кг тошни кўтара олади. Бундан ташқари, бошқа шунга ўхшаш шоуларда ҳам қатнашиб, бирданига етти нафар эркакни елкасида кўтарганини ҳали-ҳали одамлар эслаб юришади.

— Мен ҳозир Олимпия заҳиралари мактабида таҳсил олаяпман, — дейди Варя. — Ҳеч қандай допинг истеъмол қилмайман, оддий дармондориларни қабул қиламан ва катта бўлганимда дадам каби бўйдор, юз килограммдан ортиқ вазнга эга бўлишни орзу қиламан.

ТИЛИДАН АЙРИЛДИ

Ҳиндистонлик 40 яшар Энадул Маликнинг хотини 30 ёшли Ҳалима жуда жанжалкаш эди. Бу ҳақда Малик полиция маҳкамасида айтиб берди.

—Тўғриси, жуда жонимга тегиб кетганди жаврашлари, — дейди у полиция ходимларига. — Охир-оқибат тилини кесиб ташлашдан бўлак чора тополмадим...

Ҳа, ҳақиқатан навбатдаги жанжалларнинг бирида у Ҳалиманинг тилини кесиб ташлаган. Аёлни тезда касалхонага ётқизишган. Ҳозир аста-секинлик билан ўзига келмоқда. Малик эса тегишли жазога тортилади.

С.ШОШИЙ тайёрлади

МУСУЛМОНЛАР ЧАҚИРИҒИ

АҚШ нинг мусулмонлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи йирик ташкилотлардан Америка Ислом муносабатлари бўйича кенгаш бошқаруви раиси Парвез Аҳмад президент Жорж Бушни мусулмонларга нисбатан турли ёрлиқлар ишлатишдан сақланишга чақирди.

У президентга эслатдики, террорчиликка қарши уруш Исломга қарши уруш ҳисобланмайди. Шунинг учун «Ислом фашизми», «Радикал жиҳод», «Ислом экстремизми», «Ислом тоталитаризми» деган атамаларни ишлатиш фақат зарар келтиради. Бундай таърифлар оддий америкаликнинг онгида гўё Ислом террорчилик ва экстремизм дини экан, деган нотўғри тасаввурлар пайдо қилади.

Америка-Ислом муносабатлари бўйича кенгаш раҳбариятининг Америка президентига йўллаган мурожаатномасида шундай дейилади: «Зўравонлик ва экстремизм муносабати билан Исломни мунтазам тилга олиш зарарли натижа беради. АҚШ мусулмонлари аввалгидай Ислом дунёси билан ўзаро ишончни ўрнатишда кўприк бўлиб хизмат қилаверади. Агар Сиз маслаҳатларимизга қулоқ солиб, айрим мамлакат ва маданиятларга нисбатан нотўғри қарашларга барҳам беришда ёрдамлашсангиз, биз ўз вазифамизни янада яхшироқ бажарган бўлар эдик».

Парвез Аҳмаднинг айтишича, айнан Америка мусулмонлари Ислом дунёси ва Ғарб ўртасида энг яхши муносабатларни ўрнатишда кўприк бўла олишади.

«Ҳидоят» журналидан олинди

БУЮКЛАРНИНГ БАХТСИЗЛИГИ



Дунёга машҳур, буюк зотлар ҳам биз ўйлаганчалик бахтли яшамаган бўлиб, уларнинг кўпчилиги айнан бир нарсадан, яъни аёлларининг инжиқликларидан жафо чекишган экан.

Бундай мисолни машҳур рус ёзувчиси Лев Толстойнинг ҳаётида ҳам кўриш мумкин. Адибга битмас-туганмас хархаша-ю қийноқлар билан кун бермаган хотини ўлими олдидан айбларини тан олиб, қизларига: «Отангизнинг бошига мен етдим», — деган экан.

Толстой, нафақат машҳур ёзувчи, балки ўз даврида бой-бадавлат, катта молмулкка ҳам эга эди. Маълумки, адиб ўта тақводор, саховатли бўлиб, ҳаттоки ноширларга ўз асарларини қалам ҳақисиз нашр этиш ҳуқуқини берган экан.

Адиб ёғоч косада овқатланар, ўз хонасини ўзи йиғиштирар, оёғига чипта ковуш кийиб юрар, ўз ерларининг катта қисмини деҳқонларга бўлиб берганди. Бу ўткинчи дунёнинг бойликларига бўлган нафратидан у гўёки зоҳидлик йўлини тутганга ўхшарди. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишни жоиз деб топдик, адиб асарларини мутоалаа қилган инсон унинг дунёқараши ва тушунчалари бениҳоя чексиз эканлигини англаб етади. Айниқса, унинг ислом динига ҳурмати баланд бўлган. Буни унинг мактубларидан ҳам билса бўлади. Унга Векилова фарзандлари ислом динига ўтмоқчи эканлигини айтиб, маслаҳат сўраб мактуб ёзади. Толстой унга жавобан қуйидагиларни ёзади: «Айтсам ғалати бўлар, лекин ҳамма нарсадан масиҳий ғояларни ва чин маънодаги масиҳий таълимотини юқори қўядиган мендай бир одам ҳам Муҳаммад (с.а.в) дини ўзининг ташқи кўриниши билан черков масиҳийлигидан қиёслаб бўлмайдиган даражада баланд туради, деб биламан. Шундай экан, борди-ю, одам олдида черков динини ё Муҳаммад (с.а.в) динини танлаш масаласи кўндаланг бўлса, ҳар қандай онгли одам иккиланиб ўтирмайди ва ислом динини танлайди. Бошқача бўлиши мумкин эмас». Айнан шундай мулоҳазалари Лев Толстойнинг черковдан қувилишига сабаб бўлган.

Адибнинг аёли юқорида айтиб ўтилган фазилатлардан бутунлай йироқ. У дабдаба-ю ҳашаматга жуда ўч, ҳатто эрининг китоблари учун қалам ҳақи талаб қилар, гоҳида арзимаган нарсадан жанжал кўтариб, жазаваси тутиб полда юмалар ва заҳар ичишга шайланар экан. Бундай дийдиёлар охир-оқибат адибни адойи-тамом қилди.

1910 йилнинг 20 ноябрида — қаҳратон совуқ кунларида уйдан бош олиб чиқиб кетган адиб Остапова номли кичик темир йўл станциясида зотилжам касалига чалиниб вафот этади. У умрининг сўнггида: «Хотинимни ёнимга киритманглар», — деб васият қилади.

О.ЖАББОРОВ тайёрлади

Марс сайёрасидан муз топилди

Марс Express Европа космик кемаси қизил планета чуқурлигидан биринчи кадрларни олди.

Бир неча километр чуқурликни ёритиш натижасида бир қанча деталлар аниқланди. Масалан, Chryse Planitia (Марснинг ўрта кенгликлари)да кучли қопламалар остида кўмилиб қолган зарбли кратер топилди. Унинг диаметри 250 км бўлиб, баъзи белгилар бу чуқурликда музга бой бўлган қатламлар мавжудлигидан далолат беради. Шунингдек, Marsis аппарати планетанинг шимолидаги уст қопламлари остида ётган чуқур қаватли структураларни ёритди. Бир неча сигналларнинг эхо анализи 1 км дан қалинроқ бўлган марсианли реголит билан қопланган деярли соф муз қатлами бор, деб тахмин қилиш имконини беради. Ер ости горизонтларида суюқ сув белгилари ҳали топилмаган.



Ер яқинидан астероид учиб ўтди

Жорий йилнинг март ойида Ердан тахминан 3,2 млн.км масофада 2000 PN9 астероиди учиб ўтди. Бу унинг 2000 йилда кашф қилинганидан бери биринчи марта энг яқин масофада ўтиши бўлиб, учиб ўтиш пайтида унинг ёрқинлиги ўн иккинчи юлдуз катталигига тўғри келган.

Моҳира АБДУРАҲМОНОВА тайёрлади

ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЧИЛАР ОВОЗЛАРИНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАБ ЧИҚМОҚЧИ

Украина Олий Радаси (парламенти) 26 март куни ўтказилган сайловлар бўйича сайловчилар овозларини қайта ҳисоблаб чиқиш ҳақида қарор қабул қилмоқчи. Сабаб сифатида эса сайловларда кўплаб қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилганлиги кўрсатилган.

Аммо ЕХҲТ (ОБСЕ) вакиллари Украина парламентига ўтказилган бу сайловларни МДҲ ҳудудидада «энг ҳаққоний, ошкора ва демократик» сайловлар дея тан олганди.

Агар бу қарор қабул қилинса, унда «қайта ҳисоблаш Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилади ёки жойлардаги ҳудудий сайлов комиссияларидами?» деган саволга ҳам жавоб берилиши керак.

Марказий сайлов комиссиясининг дастлабки маълумотларига қараганда, Виктор Януковичнинг «Регионлар» партияси — 32,09 %, Юлия Тимошенко блоки — 22,29 %, «Наша Украина» блоки — 13,95 %, Александр Морознинг соцпартияси — 5,68 % ва компартия — 3,66 % сайловчилар овозларини тўплашга муваффақ бўлишган.

«СОЛИҚЛАР КАМАЙТИРИЛАДИ, ДАРОМАД ОШИРИЛАДИ...»

Душанба куни Италия телевидениесида тўғридан-тўғри эфирга узатилган теледебатларда Бош вазир Силвио Берлускони ва оппозиция етакчиси Романо Продининг иккиси ҳам бутун халққа шундай катта ваъдалар беришди.

Сайловларга бир ҳафта қолганида улар аёлларнинг сиёсатдаги иштирокини рағбатлантириш, туғилиш даражасини кўтариш, шунингдек, аборт ҳақидаги қонунни ўзгаришсиз қолдиришни ҳам айтиб ўтишган.

Силвио Берлускони агарда сайловларда ғалаба қозониб бош вазирликка қайта сайланган бўлса, оила бошлиқлари тўлайдиган солиқларни уйланмаган эркакларга нисбатан 30 фоизга туширишини маълум қилган. Романо Проди эса бу ҳолат фақатгина бойлар манфаатига хизмат қилишини айтиб ўтиб, ҳар бир янги туғилган чақалоқ учун бир ойда 200 евро миқдорида қўшимча тўлов жорий қилиш зарурлигини таъкидлаган. Номзодларнинг туғилиш масаласига бу қадар эътибор қаратишларига сабаб, Италияда туғилиш даражаси Европадаги энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Р.Проди, шунингдек, партия сайлов рўйхатида, кейинчалик эса парламентда аёллар учун мажбурий квота ажратиш зарурлиги ҳақида фикр билдирган. С.Берлускони эса бош вазир бўлса, ўринбосари аёл киши бўлишини айтиб ўтган.

ПРИСЯЖНИЙЛАР ҲАЙЪАТИ МУСАУИНИ АЙБДОР ДЕБ ТОПДИ

Душанба куни Вашингтон яқинидаги Александрия шаҳар судида присяжнийлар ҳайъати судланувчи Закариас Мусауини 2001 йил 11 сентябрь воқеаларига алоқадорликда айбдор деб топди.

Ҳайъат унга нисбатан ўлим жазоси тайинланиши мумкинлигини тан олган. Айблоф тараф Закариас Мусауини Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳарларида терактлар уюштирган 19 нафар террористга қўшилиши керак бўлган «йигирманчи террорист» деб атаган.

Эндиликда суд жараёнининг иккинчи қисми бошланишини керак — унда судя Мусауига нисбатан қандай жазо чораси қўлланилишини ҳал этади. Айблов тараф у ўлим жазосига ҳукм этилиши зарурлигини таъкидламоқда.

«ХАМАС» ПОЛИЦИЯНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТАДИ

Фаластин мухторияти ҳукумати тепасига келган «Хамас» гуруҳи вакиллари полиция кучларини қайта ташкил этишни режалаштирмоқда. Бундан кўзланган мақсад шаҳарларда тинчлик ва хотиржамликни ўрнатишдир.

Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларига мухторият ички ишлар вазири Саид Сиям маълум қилган. «Биз аҳолининг полицияга бўлган ишончини тиклашимиз ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятини кучайтиришимиз зарур. Миллат полиция вакилларига ўз бурчларини бажаришда ёрдам бериши керак», — деган ички ишлар вазири.

Шу пайтга қадар мухториятда алоҳида полиция маҳкамаси мавжуд эмас эди — полиция хавфсизлик идоралари тизимига кирувчи идора ҳисобланарди.

Вазирнинг сўзларига қараганда, бу жараёнда жамоатчилик ташкилотлари, йирик бирлашмалар ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик қилинади. Саид Сиям фаластинлик журналистларни ўз хабарларида «Хамас» ҳукумати» иборасини ишлатмасликка, унинг ўрнига «Фаластин халқи ҳукумати» иборасини ишлатишга чақирган.

ҚАРОҚЧИ УРДИ



Сарлавҳани ўқиб ҳайрон бўлманг — XXI асрда ҳам қароқчилар бор. Сомали қирғоқлари яқинида қароқчилар Бирлашган Араб Амирлиги давлати байроғи остида ҳаракатланаётган танкерни эгаллаб олишган.

Танкернинг 19 нафар команда аъзоси — уларнинг бари филиппинликлар — асирга олинган. Олинган дастлабки хабарларга қараганда, автоматлар билан қуролланган қароқчилар танкерни кундуз куни эгаллашган ва эндиликда танкер хўжайинларидан у учун пул тўлови талаб қилишмоқда.

Интернет хабарлари асосида Али БОЙ тайёрлади

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси
MILLIY TIKLANISH
Таҳрир ҳайъати
Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, 136-56-29, бўлим — 136-58-80,
реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158
Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 623.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2146
Сотувда эркин нархда
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди 20.00